

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2002 йил 20 февралдаги “Илмий-тадқиқот фаолиятини такомиллаштириш туғрисида”ги Фармониغا мувофиқ Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси ва Республика илмий-техника кутубхонаси негизида ташкил қилинган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мамлакатимизнинг бой зиё маскани ҳисобланади.

МИЛЛИЙ Кутубхона

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ахборий ва маданий-маърифий муассаса бўлиб, кутубхоначилик, библиографик, илмий тадқиқот, илмий-методик ва ахборот фаолиятини олиб боради. Кутубхона фаолиятининг бош мақсади бутун инсоният билимини акс эттирган, аввало, Ўзбекистонга ва унинг миллий манфаатларига тааллуқли ҳужжатларнинг универсал фондиди йиғиш, сақлаш ҳамда жамият фойдаланиши учун тақдим этишдан иборат.

Кутубхона директори Абдусалом УМАРОВ билан учрашиб, унга қуйидаги саволлар билан муружаат этдик.

- Кутубхона ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсангиз.

- Кутубхона узоқ тарихга эга. 1870 йил майида булажак Тошкент халқ кутубхонасининг асосини ташкил қилган 2200 дан кўпроқ жилд (200 номдаги) нашр йиғилган эди, бу оммавий кутубхонани очишга имкон берди. Ўлка тарихининг катта билимдони ва кучли библиофил, кутубхонанинг биринчи директори Н.В.Дмитровскийнинг (1841–1910) қизгин фаолияти билан Тошкент оммавий кутубхонаси равнақ топа борди.

Кутубхона 1923 йилдан бошлаб босма асарлардан мажбурий нусха ола бошлаган. 1948 йилда кутубхонага Алишер Навоий номи берилган.

- Кутубхона хазинаси қандай?

- Бугунги кунда кутубхонада 20 дан ортиқ турли йўналишдаги бўлим, адабиётлар фонд ва марказлари мавжуд.

Нодир нашрлар ва қўлёзмалар бўлимида 250 мингдан зиёд (шундан 15 мингдан ортиғи ноёб китоблар ва қўлёзмалар) қимматли ва ноёб нашрлар сақланади. Кутубхонанинг ута ноёб тўпламида Марказий Осиёнинг 1917 йилгача булган тарихи, этнографияси, маданияти ва географиясига оид маълумотлар жамланган. 594 томдан иборат “Туркистон тўплами” ҳамда А. Л. Кун тузган 4 қисмдан иборат 10 томлик “Туркистон альбоми” алоҳида урин эгаллайди. Унда 1200 ноёб фотосуратлар бўлиб, Туркистон улка-



*Кутубхоналар халқимизнинг маънавий
камолоти учун хизмат қилаётган миллий
маънавиятимизнинг бир қисмидир.*
Ислом КАРИМОВ

си аҳолисининг турмуш тарзи, урф-одатлари тўғрисидаги манзараларни курамиз.

3000 дан ортиқ мақолаларни узида жамлаган “Туркистон тўплами” электрон курунишга ўтказилган ва ҳажми 53 ГБдан иборат булиб, график курунишни сақлайдиган .jpg форматига ўтказилган. Китобхон узига зарур мақолани излаб топиши учун барча қулайликларга эга булган дастурий интерфейс яратилган.

Тадқиқотчилар учун республика тарихи буйича XIX асрнинг охири ва XX асрнинг биринчи чорагидаги ўлкашунослик мавзудидаги адабиётлар, биринчи Туркистон литографик, вақтли нашрлари, қўлёзма китоблар коллекцияси, муқаддас китоб—Қуръоннинг турли нашрлари катта қизиқиш уйғотади.

Кутубхонада қадимий рус китобларидан XVI аср матбаа санъати ёдгорлиги-Иван Федоров томонидан 1581 йилда Острог шаҳрида босилган “Острожская библия” китоби, 1647 йилда Москвада черков-славян шрифти билан босилган дунёвий мазмундаги “Учение и хитрость ратного строения пехотных людей” китоби, Леонтий Магницкийнинг “Арифметика”си (1703 йил), Фарбий Европа китобларининг нодир коллекциясида 1489 йилда Нюрнбергда босмадан чиққан “Девятая Немецкая библия” инкунабуласи, Б.Эрбалонинг 1697 йилда Парижда нашр қилинган “Восточная библиотека” китоблари мавжуд.

Буюк аждодларимиз Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбандий, Хоразмий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур



асарлари кутубхона фондида куз қорачиғидек сақланмоқда. Абдулла Қодирий, Чулпон, Фитрат, Усмон Носир, Фафур Фулом, Ойбек сингари забардаст адиблар ва бошқа ижодкорларнинг ҳаётлигида чоп этилган асарларнинг илк нашрлари, рус адиблари А.С.Пушкин, Л.Н.Толстой, А.П.Чехов, А.Н.Толстойларнинг турли асарлари билан танишиш кишига катта қувонч бағишлайди.

Маълумот—библиографик нашрлар фондида 35 минг нусхадан ортиқ манба булиб, улар ўзбек, рус ва хорижий тилларда республикадаги универсал ва соҳа библиографик курсаткичлари, маълумотнома ва қомусий нашрлардан иборат.

Катта ҳажмдаги ахборот билимининг барча соҳалари буйича библиографик лугатлар, маълумотномалар, жорий ва ретроспектив библиографик ва ахборот нашрлари жамланган. “Осиё библиографияси”, “Туркистон оммавий кутубхонасининг рус булими китоблари каталогги”, “Кутубхонанинг Шарқ қўлёзмалари руйхати”, “Ўрта Осиё гиламлари тўғрисидаги адабиётлар курсаткичи” ва ўлкашуносликка оид курсаткичлар муҳим уринни эгалдайди.

Маданият ва санъат буйича



илмий ахборотлар бўлими — маданият ва санъат муаммолари буйича ахборотларнинг ҳужжати оқимини аниқлаш, туплаш, тизимга солиш ва таҳлил этишни амаёга оширади ва республика маданий ҳаётини ахборот билан таъминлашда етакчи манба бўлиб, жорий ахборот курсаткичлари, шарҳлар, ахборот варақалари ва бошқа ахборотларни тайёрлайди.

Илмий ва маркетинг тадқиқотлари маркази

“Ўқув мактаби” сектори ва республика кутубхоначилиги тарихини урганувчи “Ўлкамиз кутубхоначилиги” секторлари томонидан амалга ошириладиган ўқув муаммолари буйича, илмий-тадқиқот базасидир.

Илмий-методик бўлими — республика кутубхоналари учун кутубхонашунослик соҳасида мутахассислар билимини узлуксиз ошириш, илғор кутубхоначилик мактаби, шунингдек, координацияловчи методик марказ ҳисобланади.

Хорижий тиллардаги адабиётлар фондида 350 минг нусхадан ортиқ адабиёт мавжуд бўлиб форс, араб, ҳинд, турк тилларидаги адабиётлар узига хос ўрин эгаллайди. У жами дунёнинг 75 дан ортиқ тилидаги ижтимоий-сиёсий, гуманитар, табиий-илмий ва техника фанлари муаммолари буйича хорижий адабиётлардан ташкил топган.

Техникага доир адабиётлар (2 млн дан ортиқ нусхада) ҳам мазмунига кура узига хос бўлиб, меъёрий-техник ҳужжатлар, sanoat каталоглари тупламининг узи 33700 нусхадан ортиқдир.

Автоматлаштириш ва янги ахборот технологиялари бўлими йиғма автоматлаштирилган кутубхона тизимини ривож-

лантиради ва электрон каталог ҳамда электрон маълумотлар базасини яратишда кутубхоналарга методик ёрдам кўрсатади.

- Маънавий неъматни жамлаш осон эмас. Табиийки, иш жараёнини давр талабларига мувофиқ кучириш керак.

- 1998 йилдан кутубхонада кутубхоначилик жараёнларини автоматлаштиришга киришилди. 1999 йилдан эътиборан Россия Давлат илмий-техника кутубхонасининг ИРБИС автоматлаштирилган кутубхона ахборот дастуридан фойдаланган ҳолда Ватанимиз ва хориж адабиётларининг янги нашрларининг электрон каталог тузилмоқда. Шунингдек, кутубхона уз маълумотлар базасини яратмоқда. Бунда

“Curret Content”, “MicroMedex”, “Medine”, EBSCO ва маълумот базалари билан ишлаш имкониятидан унумли фойдаланмоқда.

Кутубхона уз нашриёт ва bosmaxonasiга эга бўлиб, кутубхоначилик фаолиятининг барча соҳалари буйича, жумладан библиографик ҳамда маданият ва санъат буйича ахборот курсаткичлари ва методик материалларни нашр қилади.

Кутубхона қошида Ўзбекистон Республикаси Миллий китоб палатаси ҳам фаолият кўрсатади.

Ҳар йили кутубхонага турли манбалардан уртача 15-20 минг нусха атрофида матбаа нашрлари келиб тушади. Кутубхона 1956 йилдан буён халқаро китоб алмашувини амалга оширади. Жаҳоннинг 24 мамлакатидоги 30 дан ортиқ ташкилотлар билан ҳамкорлик урнатилган.

- Баъзида китоб ўқишга эътибор камаймоқда, мазмунидаги гапларни эшитамиз. Кутубхоначилар китобхонларга қандай хизмат кўрсатмоқда?



- Ҳар йили уртача 500 мингдан ортиқ киши кутубхонага ташриф буюради. Уларга 1 млн. 700 минг нусхадан ортиқ китоб ҳамда 13 мингдан ортиқ турли мазмундаги маълумотлар берилди. Шунингдек, мижозларга 28 турдан ортиқ ноанъанавий хизматлар курсатилади.

Китобхонларга ёрдам сифатида адабиётларнинг электрон каталоги, кутубхона маълумотлар базаси (Россия журналлари, CD-ROM ларда: EBSCO маълумотлар базаси, Россия илмий-техника кутубхонаси илмий-техник адабиётларининг йиғма каталоги ва бошқалар) дан фойдаланиш имконияти йулга қуйилган.

Бугунги кунда кутубхона фаолияти кенг ва қиррали. Ҳар йили кутубхонада республика миқёсида “Китобхонлик куни” умумий номи остида туркум тадбирлар утказиш анъанага айланган.

Кутубхонада И.Маминова, Т.Егорова, Л.Горбунова, Т.Александрова, М.Йулдошева, Ҳ.Умарбекова, Р.Файзуллаев каби тажрибали мутахассислар китобхонларга беминнат хизмат курсатиб келмоқдалар.

Кутубхона ходимлари “Ўзбекистон ёдонмалари”, “Республикада кутубхоначилик тарихи ва ривожланиши”, “Кутубхоналар тарих кузгусида”, “Уқшнинг ижтимоийлиги” каби лойиҳаларни амалга оширадидлар.

Ҳозирги пайтда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг замонавий компьютерлар билан жиҳозланган Internet маркази китобхонларга хизмат курсатмоқда.

Айни вақтда кутубхона фондида жаҳоннинг 75 тилида чиққан, деярли 10 млн. нусхага етган адабиётлар бор.

- Ҳамкорлик алоқалари ҳақида икки оғиз сўз...



- Кутубхона йирик халқаро кутубхоначилик ташкилотлари: ИФЛА, ЕвроОсиё кутубхоналар ассоциацияси, Электрон кутубхоналар ва янги ахборот технологияларини ишлаб чиқарувчилар ҳамда фойдаланувчилар халқаро Ассоциациясининг аъзоси. Шунингдек, қўллаб халқаро ташкилотлар ва жамғармалар, чет мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари билан ижодий алоқалар урнатган.

Энг муҳими, кутубхона миллий ва чет эл нашрларини тўплаш қўламининг кенглиги ва мазмунининг универсаллиги билан узига хоҳсидир. Республикамизда чиқадиған ҳужжатлар ҳамда бутун дунёда республикамиз ва халқимиз туғрида нашр қилинган илмий қийматга эга бўлган материалларни тўплаш, сақлаш ва кенг жамоатчиликка тақдим этиш буйича ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

**Сўхбатни Ҳамид СУЛТОНОВ ва
Обод ҚИЛИЧБОЕВ ёзиб олди**

